

Мамбетжанов Қахрамон Қурбандурдиевич,
Ўзбекистон Миллий университети
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти,
иқтисод фанлари доктори
Адилов Ботир Балтабаевич,
Ўзбекистон Миллий университети
“Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент”
кафедраси доценти, иқтисод фанлари
номзоди

ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

УЎК: 330

МАМБЕТЖАНОВ Қ.Қ., АДИЛОВ Б.Б. ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ушбу мақолада Республикада камбағалликни камайтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини раўбатлантириш механизмлари кўрсатилган. Хусусан, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартиришда давлатнинг пул-кредит воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: уй хўжалиги, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, истеъмол саватчаси, кредит.

МАМБЕТЖАНОВ К.К., АДИЛОВ Б.Б. ПРИОРИТЕТЫ СТИМУЛИРОВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ ДОМОХОЗЯЙСТВ В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье определены механизмы стимулирования экономической активности домохозяйств, как одно из приоритетных направлений сокращения бедности в стране. В частности, разработаны научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию системы оплаты труда, эффективному использованию государственных денежно-кредитных средств в преодолении бедности.

Ключевые слова: домохозяйство, минимальная заработная плата, потребительская корзина, кредит.

MAMBETJANOV K.K., ADILOV B.B. PRIORITIES FOR STIMULATING THE ECONOMIC ACTIVITY OF HOUSEHOLDS IN UZBEKISTAN

In the article is identified mechanisms to stimulate economic activity of households as one of the priority areas of poverty reduction in the country. In particular, scientific proposals and practical recommendations have been developed to improve the wage system, and effectively use of public funds in the overcoming poverty.

Key words: household, minimum wage, consumer basket, credit.

Кириш.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида уй хўжалиги сектори алоҳида субъект сифатида ишчи кучи ресурсларини такрор ҳосил қилиш, инсон капиталини инвестициялаш ва реал секторни ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда жуда катта ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида, 2020 йил 24 январда алоҳида таъкидладики, "...ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда"¹. Шу сабабли, мамлакатимизда камбағалликни камайтиришда ўзини-ўзи банд қилувчи фаолият турлари сони 24 тадан 67 тага кўпайтирилди ҳамда бир қатор қулайлик ва имтиёзлар берилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда мамлакатимизда уй хўжаликлари аъзоларининг ўзини-ўзи банд қилишини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ушбу муаммо бўйича илмий тадқиқот ишларини янада чуқурлаштиришни тақозо этади ва танланган мавзунинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот мақсади Республикада уй хўжалиги секторининг иқтисодий фаоллигини ошириш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий муаммонинг қўйилиши. Уй хўжаликларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида хорижлик иқтисодчи олимлардан Беккер Г., Гэлбрейт Дж., Грамков Х., Кейнс Дж.М., Норт Д., Макконел К.Р., Брю С., Рикардо Д., Смит А. ва бошқаларнинг илмий ишларида атроф-лича таҳлил қилинган.

Уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигини ошириш муаммолари МДХ олимлари

Ачаповская М., Батракова А.Г., Довбенко М.В., Осик Ю.И., Дубровин, И.А., Котов В., Новак А.Е., Толкачева С.А. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Абулкасимов Ҳ.П., Ваҳобов А.В., Аҳмедов Т.М., Абдуллаев Б.С., Акрамова Ш.Ф., Аҳмедов Ф., Аҳмедов У.Қ., Бадалов Дж.Ш., Беркинов Б.Б., Ваҳобов А.В., Джураев Т.Т., Салимов Б.Т., Хасанов Р.Р., Шодиева Г.М., Ўлмасов А., Ғойибназаров Б.К., Юлдашев Д.Т., Бердиев Ғ.И. ва бошқаларнинг илмий изланишларида такрор ишлаб чиқариш жараёнида уй хўжаликлари салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатлари ёритилган.

Бироқ, ҳозиргача амалга оширилган илмий тадқиқот ишларида айнан камбағалликни қисқартириш воситаси сифатида уй хўжалиги сектори имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари ўрганилмаган. Ушбу ҳолат мазкур тадқиқотларнинг илмий моҳиятини белгилаб беради.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот ишида илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

2019 йилда иқтисодий бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган Эстер Дюфло, Абхиджит Банерджи ва Майкл Кремерлар камбағалликка қарши курашиш борасида тадқиқотлар олиб бориб қуйидаги асосий хулосаларга келишган:

– камбағаллик ва қашшоқликни қисқартириш учун биргина моддий кўмакнинг ўзи етарли эмас, агар инсонлар "камбағаллик фалсафаси"дан қутилишмас экан, қашшоқликни қисқартириш учун ҳар қанча маблағлар ажратилмасин юқори самара бермайди;


– камбағаллар шунчаки текинга берилган воситаларга нисбатан, маълум бир ҳақ эвазига бериладиган восита ва жиҳозлардан самаралироқ фойдаланадилар;

– қашшоқликни қисқартириш учун бевоқиф қашшоқларнинг ҳаётини илмий асосларда ўта синчковлик билан ўрганиш талаб этилади. Бунинг учун "Қашшоқликка қарши курашиш лабораторияси"ни ташкил этиш керак;

– битта мамлакат ёки ҳудудда қашшоқликни камайтириш борасида амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси, 2020 йил 25 январь.

1-расм. Уй хўжаликларининг ривожланишини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар.



оширилган чора-тадбирлар иккинчи бир мамлакат ёки ҳудудда самара бермаслиги мумкин, шу сабабли қашшоқликни камайтириш борасида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда ҳар ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилиши лозим;

– мактаб ёшидаги болаларнинг саводхонлигини оширишда коррекцион таълим дастурларидан фойдаланиш катта самара беради, хусусан, мазкур дастурлар асосида Ҳиндистонда 5 миллионга яқин болалар ўқитилган ва катта натижа берган;

– болаларнинг саводхонлик даражасини оширишда уларнинг саломатлигига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Хусусан, битта болага гижжага қарши дори воситалари учун йилига атиги 3,5 доллар маблағ сарфлаб, юқори натижага эришиш мумкин.

Бугунги кунда камбағаллик муаммосини самарали ҳал этиш борасида амалга оширилган таҳлиллар уй хўжалиги сектори ривож-

ланишининг ҳам моддий, ҳам номоддий тавсифга эга бўлган муаммоларини тадқиқ этишда комплекс ёндашувдан фойдаланиш имконини берди. Бунда уй хўжаликларининг ривожланиш кўрсаткичларидан давлат томонидан амалга оширилувчи ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигини баҳолашнинг муҳим индикатори сифатида фойдаланиш мумкин, деган фикрни илгари суришимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, индивидларнинг уюшган гуруҳи сифатида уй хўжаликлари ва алоҳида шахсларнинг турмуш фаровонлиги ўсиб боришини акс эттирувчи индикаторлар тўплами уй хўжаликларининг ривожланишини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар ҳисобланади (1-расм)¹.

Мазкур кўрсаткичлар тўплами турли кўринишдаги даромадлар кўлами (иш ҳақи, нафақа, пенсия, яқин қариндош ва танишбилишларнинг кўмаги), истеъмол кўрсаткичлари,

¹ Ўтказилган тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан тузилди.

моддий активлар (уй-жой билан таъминланганлик ва унинг сифат тавсифлари), ижтимоий аҳамиятга молик хизматлардан фойдаланишнинг қулай ва арзонлиги каби базавий категориялардан ташкил топади.

Шунга боғлиқ равишда уй хўжалиklarининг ривожланиш кўрсаткичлари иқтисодчилар томонидан доимий тадрижий тараққиётда бўлувчи категория сифатида қаралувчи, турмуш фаровонлиги даражаси тушунчасини ўзида мужассамлаштиради.

Бизнинг фикримизча, уй хўжалиklари ривожланишини акс эттирувчи микроиқтисодий кўрсаткичлар улар ривожланишини белгилаб берувчи муҳим индикатор ҳисобланади. Бунда уй хўжалиklarининг бюджети, яъни, уларнинг даромад ва харажатлари тузилмаси ва нисбатини таҳлил қилиш орқали бюджетдаги сифат ўзгаришларини кузатиш имконини беради. Замонавий иқтисодиётнинг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири бўлган инсон капитали сифати кўрсаткичи ҳам уй хўжалиklари ривожланишининг муҳим микроиқтисодий кўрсаткичларидан бири саналади.

Мамлакатимизда уй хўжалиklarининг маълум қисми ўз аъзоларининг таълим олишлари ва соғлиқлари учун сезиларли даражада инвестициялар киритиш имконига эга эмаслар. Улар ижтимоий хизматларнинг асосий қисмини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан оладилар. Уларнинг маълум қисми ҳануз молиявий – иқтисодий жиҳатдан давлатга қарам бўлиб қолмоқда. Бироқ, уларнинг аксарият қисми иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган уй хўжалиklarини ташкил этади. Шу сабабли бугунги кунда ижтимоий ислохотларни амалга оширишда икки жиҳатга эътибор қаратишимиз лозим: - иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган уй хўжалиklари билан паст даромадли уй хўжалиklarининг манфаатларини баробар инobatга олиш талаб этилади. Иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган уй хўжалиklари борасида давлат мулк ҳуқуқини кафолатлаш, қабул қилинган меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш бўлса, паст даромадли уй хўжалиklarда эса, давлат мустақил тирикчилик манбаларини яратиш имкониятларини бериши лозим.

Уй хўжалиги иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган шароитда қарорлар қабул қилиш бора-

сидаги иқтисодий жавобгарлик бутунлай уларнинг зиммасига тушади. Уй хўжалиklarнинг маълум гуруҳлари томонидан мазкур ҳолатни тўлиғича тушуниб етмаганлиги, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнининг боришига тўғаноқ бўлаётган муаммолардан бири ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори маош, устамалар, қўшимча ҳақ, гонорар, қўшимча иш учун компенсация тўловлари ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг бошқа турлари, шунингдек, оилаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожлиги ва ишсизлик бўйича нафақалар миқдорини аниқлашда қўлланилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори меҳнат бозорининг асосий муҳим институтларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг аҳамияти шундан иборатки, у нафақат иқтисодий балки, шу билан бирга ижтимоий функцияларни ҳам бажаради.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини босқичма – босқич яшаш минимуми даражасигача кўтариб бориш бир мунча мақбул вариант ҳисобланади. Иш ҳақи миқдорининг оширилиб борилиши соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларнинг изчил амалга оширилишига замин яратиб беради ва шу билан бир қаторда пенсия таъминоти тизимини яхшилашга имкон беради.

Статистик маълумотларга кўра, энг кам иш ҳақи (меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори) нинг ўсиши Республикаимизда камбағал аҳоли қатламни камайишига олиб келмоқда. 2005 йилда камбағал аҳоли қатлами Республикаимиз аҳолисининг 17,4%ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатлами 4,1%ни ташкил этмоқда (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий ёрдамни кучайтириш мақсадида бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар ҳар йили маълум миқдорда оширилади.

Республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини муттасил ўсиб боришининг иккинчи муҳим омилларидан бири бу - ойлик маошнинг

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси аҳолиснинг энг кам иш ҳақига нисбатан даромадлар даражаси бўйича тақсимланиши (фоизда)¹

	2005	2010	2015	2016	2019
ЭКИҲнинг 1 баробари +1 сўмдан 1,5 баробаригача	17,4	13,9	6,5	4,4	4,1
ЭКИҲнинг 2 баробари +1 сўмдан 2,5 баробаригача	12,6	17,3	14	14,4	14,2
ЭКИҲнинг 4 баробари +1 сўмдан 4,5 баробаригача	3,2	4,1	6,4	8,3	10,2
ЭКИҲнинг 6 баробари +1 сўмдан 6,5 баробаригача	1,1	0,8	2,7	1,4	2,3
ЭКИҲнинг 8 баробари +1 сўмдан 8,5 баробаригача	0,5	0,3	0,8	0,7	0,9
ЭКИҲнинг 10 баробари +1 сўм ва ундан юқори миқдорда	1,9	0,7	1,5	2,3	2,4

инфляция натижасида йўқотилган қисмини компенсация қилиш бўлиб ҳисобланади. Таъкидлаб ўтиш мумкинки меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори уй хўжаликларида камбағаллик даражасини камайтиришнинг энг асосий инструменти эмас, чунки минимал иш ҳақини олувчи асосий уй хўжалиқларининг ўртача жон бошига тўғри келувчи даромади, камбағал аҳоли қатлами даромадидан юқоридир.

Республиканинг аҳоли зич жойлашган ва ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган ҳудудларда касаначилик, косибчилик ва халқ ҳунармандчилиги, шунингдек, оилавий тадбиркорлик ривожлантирилмоқда. “Тижорат банклари томонидан нафақат иқтисодиётнинг реал сектори субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш ва шу орқали мамлакатда ишлаб чиқариш ҳамда инвестицион фаолликни рағбатлантириш, балки аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ҳам банк тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади”.

Мамлакатимизда 2020 йил якуни бўйича иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи 34,3 фоизга ошди ва 280,4 трлн. сўмни ташкил қилди. Иқтисодий шароитлардаги айрим мураккабликларга ва кредитлар қайтарилиш муддатининг вақтинчалик узайтирилишига қарамай, тижорат банклари томонидан 127 трлн. сўмлик кредит-

лар ажратилди ва бу 2019 йилдаги кўрсаткичга яқин бўлди².

Ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш қуйидаги соҳаларда назарда тутилган:

- фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш;
- қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш;
- паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш;
- ихчам иссиқхоналар ташкил этиш;
- уруғ ва кўчатлар етиштириш.

Бунинг натижасида аҳоли томорқасидан фойдаланиш самарадорлиги ошади, ишлаб чиқарилган сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми кўпаяди.

Умуман хулоса сифатида айтиш мумкинки, жаҳонда глобализация жараёнларининг кучайиши, унда ахборот ва коммуникацион технологияларнинг ривожланиши билан ўзини-ўзи иш билан банд қилишнинг янги ахборот технологияларига асосланган ўзига хос турлари ажралиб чиқмоқда. Улар марказий маълумотлар банкига уланган, махсус дастурий воситалар билан таъминланган компьютерлар орқали меҳнат вазифаларини бажаришмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уй меҳнатида иқтисодий фаол фаолият олиб боровчи уй хўжаликлари сони кўпайишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2005-2019 йиллар маълумотлари асосида, уй хўжаликлари танлама кузатуви натижаларига кура муаллиф томонидан тузилди. Кузатув даврида республикамизда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори бўйича ҳисобланган.

² Марказий банк Бошқаруви 2021 йил 21 январда асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди // https://cbu.uz/oz/press_center/news/432998/

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси - Тошкент. // "Халқ сўзи" газетаси, 2020 йил 25 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4742 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5723-сон Фармони. - lex.uz/docs/4346118
4. Бердиев Ғ.И. Миллий иқтисодиётда уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: 2020. -16 б.
5. Семенова Н.Н., Еремина О.И. Влияние денежно-кредитной политики на экономический рост в России: теоретические подходы и практическая реализация // Финансы и кредит. 2018. №4 (772). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-denezhno-kreditnoy-politiki-na-ekonomicheskoy-rost-v-rossii-teoreticheskie-podhody-i-prakticheskaya-realizatsiya> (дата обращения: 14.06.2020).
6. Тобиас Адриан и Фабио Наталуччи, Кризис COVID-19 создает угрозу финансовой стабильности. <https://www.imf.org/ru/News/Articles/2020/04/14/blog-gfsr-covid-19-crisis-poses-threat-to-financial-stability>
7. Тоғаев С.С., Тўрабеков С.Ш. Банк кредитларини ажратиш орқалиҳоли бандлигини таъминлаш масалалари. –Т.; Иқтисод молия. 2017 йил. №2 – Б. 58-61.
8. Фридмен М. (1999) Если бы деньги заговорили... Пер. с англ. – М.: Дело.
9. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2005-2019 йиллар маълумотлари <https://www.vedomosti.ru/economics/articles/2019/10/17/814013-kartine-bednosti>
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020–2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари // [https://cbu.uz/upload/medialibrary/b52/Monetary-Policy-Guidelines-2020_2022 .pdf](https://cbu.uz/upload/medialibrary/b52/Monetary-Policy-Guidelines-2020_2022.pdf)
11. <https://www.vedomosti.ru/economics/articles/2019/10/17/814013-kartine-bednosti>